

СЛЕНГДА СЎЗ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ КЛИППИНГ (CLIPPING) УСУЛИ ОРҚАЛИ ЯСАЛГАН ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАРНИНГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Бунёдбек Тўлқинжон ўғли СОТВОЛДИЕВ

Таянч докторант. Инглиз тили ва адабиёти кафедраси
Андижон давлат университети. Андижон, Ўзбекистон

СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОКРАЩЕННЫХ СЛОВ, ОБРАЗОВАННЫХ МЕТОДОМ КЛИППИНГ (CLIPPING) В СЛЕНГЕ

Бунёдбек Далкинжон угли СОТВОЛДИЕВ

Докторант. Кафедра английского языка и литературы
Андижанский государственный университет. Андижан, Узбекистан

THE STRUCTURAL AND SEMANTIC ANALYSES OF SHORTENED WORDS FORMED BY CLIPPING IN SLANG

Bunyodbek Dalkinjon ugli SOTVOLDIEV

Doctoral Student. Department of the English Language and Literature
Andijan State University. Andijan, Uzbekistan b.sotvoldiyev@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 811.111.1:87'9(575.1)

For citation (иктибос келтириш учун для цитирования):

Сотволдиев.Б.Д. Сленгда сўз қисқартиришнинг клиппинг (clipping) усули орқали ясалган қисқартма сўзларнинг структур-семантик таҳлили //Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.— No 1 (30), — Б.33-40.

<https://doi.org/10.36078/1583733514>

Received: December 12, 2019

Accepted: February 17, 2020

Published: February 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация

Ушбу мақола сленг бирликлари таркибида сўз қисқартириши (clipping – клиппинг) усули орқали ясалган қисқартма сўзларнинг структур-семантик таҳлиliga бағишланади. Инглиз тилида сўз қисқартириш жараёни орқали янги сўз ҳосил қилишда клиппинг усулининг ҳам ўрни бекиёс. Шунинг учун, сўнги вақтларда айрим тадқиқотчилар томонидан инглиз тили доирасида қисқартма сўзлар ёки сленг бирликларини тадқиқ қилишга бағишланган ишлар сони анча ортди. Бироқ, улар орасида сўз қисқартиришнинг айнан клиппинг усули орқали ясалган сленгларнинг структурал хамда семантик жиҳатлари таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар мавжуд эмас. Мақолада юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилишнинг қуйидаги йўллари келтирилган. Биринчидан, тадқиқотнинг назарий қисмида инглиз тилидаги сўз қисқартириш жараёни ва унинг мавжуд турлари ҳақида маълумотлар берилган. Иккинчидан, сўз қисқартиришнинг клиппинг усули ва унинг таркибий қисмлари аниқланган. Учинчидан, сленг бирликлари таркибида келувчи клиппинг усули ёрдамида ясалган қисқартмаларни структурал-семантик жиҳатдан таснифлашнинг аниқ методологияси ишлаб чиқилган. Тўртинчидан, таҳлил қилинган ҳар бир сленг бирлигининг қайси сўз туркум ва қайси ареалга (Британия ёки АҚШ) мансублиги ҳақидаги маълумотлар ҳам келтириб ўтилган. Мақоланинг хулоса қисмида эса сленг бирликлари таркибидаги клиппинг усули орқали ясалган қисқартма сўзларнинг статистик таҳлили натижалари келтирилади. Олинган натижалар эса инглиз тили доирасида сленг бирликларини ўрганишдаги мавжуд билимларни янада бойитишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: лингвистик омил; экстралингвистик омил; клиппинг; апокопа; аферезис; синкопа; олд ва орқа қисқартириш.

Аннотация

Статья посвящена структурно-семантическому анализу сокращенных слов, образованных способом clipping (усечение) в составе сленговых единиц. Метод clipping занимает особое место в словообразовании новых слов путем сокращения в английском языке. Поэтому в последнее время значительно увеличилось количество исследований, проводимых по использованию в английском языке сокращенных слов, или сленговых единиц. Тем не менее, нет исследований, посвященных анализу структурных и семантических аспектов сленговых слов, образованных при помощи clipping. Таким образом, эта статья решает следующие вопросы. Во-первых, теоретический раздел исследования предоставляет информацию о процессе сокращения английских слов и существующих типов сокращения. Во-вторых, определены способы усечения слова и их составляющие. В-третьих, разработана методология структурно-семантической классификации сокращенных слов, входящими в сленг. В-четвертых, приводится информация о том, какая категория слов и какой вариант (британский или американский) проанализированы каждой сленговой единицы. В заключении статьи обобщаются результаты статистического анализа сокращенных слов, полученных способом clipping (усечения) в сленговых единицах. Полученные результаты еще больше обогащают имеющиеся знания о сленговых единицах в английском языке.

Ключевые слова: лингвистический фактор; экстралингвистический фактор; clipping (усечение); апокопа; аферезис; синкопа; усечение начала и конца

Abstract

This article deals with the problem of the structural and semantic analyses of shortened words formed by clipping in slang words. Clipping as the subtype of shortening, has a great role in a new word – building process. So, the number of investigations devoted to the slang or shortened words in the realm of English linguistics has increased dramatically for a couple of decades. Although much attention has been given to this sphere, there are only a few scientific researches relevant to the very structural and semantic analyses of the shortened words formed by clipping in slang. Hence the following ways to tackle this problem are proposed. Firstly, general information about shortening and its subtypes in English lexicology are given in the theoretical part of the article. Secondly, clipping and all the types of it are revealed as well. Thirdly, the concrete methodology of the structural-semantic classification of the shortened slang words is proposed in the main body of the article. Fourthly, several items of information about the part of speech or area (Britain or the USA) of the slang words are also demonstrated. The statistical data and final conclusions are given in the concluding part of the article. To conclude, we can say that this investigation might serve to enrich our knowledge about slang in learning English.

Keywords: linguistic factor; extralinguistic factor; clipping; apocope; apheresis; syncope; mixed clipping.

Кириш. Инсонлар бир-бирлари билан ижтимоий муносабатга киришар эканлар, мулоқот жараёнида сўз, сўз бирикмалари ва сўз гуруҳларини қисқартиришга эҳтиёж сезилиши табиий ҳолдир. Мулоқотда қисқартма сўзлардан фойдаланиш асосан икки омил: лингвистик ва экстралингвистик омиллар сабабли юзага келиши мумкин.

Рақамли технологиялар ва ахборот асрида яшаётган эканмиз, жуда қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотни етказиб бериш ва уни қабул қилиб олиш секин-асталик билан қундалик ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Чунки, айнан улар сабабли ҳаёт темпи жадаллашмоқда ва ҳар қандай ахборотни тез ва қулай етказиб бериш заруриятини эса замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг натижасида эса ҳозирги замон инглиз тилида қундалик мулоқотда кўпга янгидан-янги қисқартма сўзлар пайдо бўлмоқда ва айнан мана шу сабаблар қисқартмалар ишлатилишининг экстралингвистик омиллари сифатида намоён бўлади.

Инглиз тилида сўзлар қисқартирилишининг лингвистик омиллари сифатида эса ахборотни қисқа фурсатда етказиш учун кўп бўғинли сўзларнинг қисқартмалар орқали ифодаланишини келтиришимиз мумкин.

Асосий қисм. Инглиз тилида сўз қисқартириш жараёнини қуйидагича таърифлашимиз мумкин: бу шундай жараёнки, унда сўз ёки сўз гуруҳларидан уларнинг қисмлари (харф ёки бўғинлар) ажратиб олинади, ортиқча қисм ташлаб юборилади ва бу ажратиб олинган бўлак ўз прототипининг лексик-грамматик маъносига таъсир кўрсатмаган ҳолда унинг ўрнида ишлатилади.

Бошқа тиллардан фарқли равишда, инглиз тилида сўз қисқартиришнинг бир неча усуллари мавжуд:

1) аббревиатура (abbreviation); 2) клиппинг (clipping); 3) блендинг (blending).

Инглиз тили лексикологиясида сўз қисқартириш (shortening)нинг кенг тарқалган усулларида бири бу клиппинг (clipping/truncation) усули ҳисобланади. Сўз қисқартиришнинг бу усулида бир бутун сўздан унинг бир ёки бир неча бўғини ва товушлари ажратиб олинади.

Н. М. Раевська уларнинг икки тури мавжудлигини таъкидлайди:

1. Апокопа (грек. *apokoptein* — камайтириш, ингл. *apocope, back-clipping, final clipping*) (1, 52).

Бу сўзнинг охириги товуши ёки бўғин (лар)ини тушуриб қолдириш орқали сўз қисқартириш усулидир. Масалан: *cap* (captain), *tick* (ticket).

2. Аферезис (грек. *aphairesis* — олиб ташлаш, ингл. *apheresis, initial clipping, fore-clipping*) (2, 60).

Бу сўзнинг бошидаги товуш ёки бўғин (лар)ни олиб ташлаш орқали сўз қисқартириш усули ҳисобланади. Масалан: *phone* (telephone), *van* (caravan). Лекин тадқиқотимиз давомида уларнинг яна икки тури ҳам мавжудлигини аниқладик. Улар қуйидагилар:

3. Синкопа (этклипсис) (грек. *syncope* — бўлақларга бўлмоқ, ингл. *syncope, medial clipping*) (3, 467).

Бу сўзнинг ўртасидаги товуш ёки бўғин (лар)ни олиб ташлаш орқали сўз қисқартириш. Масалан: *maths* (mathematics), *specs* (spectacles), *ma'am* (madam).

4. Сўзнинг боши ва охиридан сўз қисқартириш (ингл. *mixed clipping*) — сўзнинг боши ва охиридаги товуш ёки бўғин (лар)ни олиб ташлаш орқали сўз қисқартириш. Масалан: *flu* (influenza), *tec* (detective) (4, 61).

Тадқиқотимизнинг асосий объекти бўлган сленг бирликлари орасида сўз қисқартиришнинг бу турига мансуб бўлган қисқартма сўзларнинг сони анча салмоқлидир. Қўлимиздаги лугат материалларидан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, клиппинг жараёни ичида апокопалар қисқартмаларнинг бошқа турларига қараганда анча кўп учрайди. Апокопаларни структурал-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга ажратдик:

I. Структурал жиҳатига кўра:

1. Элементлари прототипининг фақат охириги ҳарфи қисқаришидан ҳосил бўлган апокопалар: *bod* (*n*) — тана. У *body* сўзининг охириги ҳарфи қисқартиришдан ҳосил бўлган; *boob* (*n*) — аҳмоқ. У *booby* сўзининг охириги ҳарфи қисқаришидан ҳосил бўлган (8, 50–56).

2. Апостроф (') элементли апокопалар: *bro'* (*n* American) — Америкалик қора танлилар бир-бирларини шундай чақирадтлар. У *brother* сўзидан қисқартирилган (6, 127); *chara'* (*n* British) — саёҳат автобуси. У *charabanc* сўзидан олинган (*T. Thorne*).

3. Шаклан адабий тилга омоним бўлган апокопалар: *amp* (сленгда 1) — ампула; 2) овоз кучайтиргич маъноларини ифодалайди) — *amp* (адабий тилда *ампер* ўлчов бирлигини ифодалайди); *barb* (сленгда *кучли уйқу дори* маъносини ифодалайди) — *barb* (адабий тилда *тучинг* деган маънони ифодалайди); *brass* (сленгда *фақир, қашшоқ* маъноларини ифодалайди) — *brass* (адабий тилда *жез (метал)* маънони билдиради) (*T. Thorne*). *Tab* (сленгда *таблетка* (гиёҳванд модда) маъносида ишлатилади) — *tab* (адабий тилда *ҳисоб* деган маънони билдиради) (7, 417). *Trot* (сленгда *Троцкий* (Леон Троцкийнинг давлатни оддий меҳнаткаш аҳоли бошқариши кераклиги ҳақидаги қарашларини қўллаб-қувватловчи одам) деган маънода ишлатилади) — *trot* (адабий тилда *йўртиб чопмоқ* (отга нисбатан) маъносини ифодалайди); *vet* (сленгда *собиқ ҳарбий* маъносида ишлатилади) — *vet* (адабий тилда *ветеренар жарроҳ* маъносини билдириб келади) (5, 667–680).

4. Элементлари прототипининг охириги бўғин(лар)ининг қисқартирилишидан ҳосил бўлган апокопалар: *af/aff* (*n*) — африкалик. У (*black*) *African* сўзининг қисқартма шакли ҳисобланиб, асосан бу сўз 1960 йилларда кўп фойдаланилган ва ҳақорат маъносида ишлатилган; *to blub* (*v* British) — йиғламоқ. У *blubber* сўзининг қисқартма шакли бўлиб, асосан давлат мактаби ва ўрта синф ўқувчилари томонидан ишлатилади; *boho* (*adj*) — ўзи истаганча, кайф-у сафода яшовчи. Бу қисқартма сўз АҚШдан кириб келган бўлиб, у Лондон журналистлари орасида 1980 йиллар охирида урфга айланган; *brill* (*adj* British) — ажойиб, зўр. У *brilliant* сўзининг қисқа шакли сифатида ишлатилиб, 1970 йиллардан бери ўсмирлар лексиконида кенг фойдаланиб келинади; *Brit* (*n*) — британиялик. У *British* сўзининг қисқа шакли бўлиб, британиялик бўлмаганлар томонидан 1970 йиллардан бери ишлатиб келинади; *Brum* (*n* British) — Бирмингем. Бу қисқартма сўз ушбу шаҳарда истикомат қилмайдиган одамлар томонидан ишлатиладиган *Brummagen* сленгининг ҳозирги замонавий шакли ҳисобланади; *carni* (*n*) — капнавал. У *carnival* сўзининг қисқартирилган варианты ҳисобланиб, Британияда ҳам ишлатилади. Лекин у АҚШда нисбатан машҳурроқдир; *cas* (*adj* American) — 1) тинч, хотиржам; 2) яхши, маъқул. Иккала маъноси ҳам *casual* сўзидан олинган; *cereb* (*n* American) — тиришқоқ талаба. У *cerebral* сўзининг қисқартирилган шакли бўлиб, асосан преппи (preppie)лар томонидан ишлатилади; *cig* (*n*) — сигарет. У *cigarette* сўзини ифодалаш учун ишлатилади; *Clyde* (*n* American) — келишган эркак. У *Claydsdale*

(бадий адабиётларда катта, чиройли, зотдор отнинг тимсоли ҳисобланади) сўзининг қисқартма шаклидир. Бу сўз 1980 йиллар охирларида ҳазил сўз сифатида ишлатилган (Т.Thorne).

II. Семантик жиҳатига кўра:

1. Инсонни тасвирловчи апокопалар: а) хулқ-атвор, кўринишни ифодаловчи: *boho* (adj) — ўзи истаганча, кайф-у сафода яшайдиган; *boob* (n) — аҳмоқ одам; *Clyde* (n) — келишган эркак; *dipso* (n) — ароқхўр; *div* (n) — ғалати, тентакнамо одам; *fruit* (n) — ғалати, тентакнамо одам; *hyper* (adj) — жуда фаол, тинч туролмайдиган; *klepto* (n) — ўғирлик қилмасдан туролмайдиган одам; *mong* (n) — тентак, жинни; *perve/perv* (n) — шилқим одам; *trog* (n) — жуда содда, фикрлаш доираси тор кўпол одам; б) иқтисодий аҳволини билдирувчи: *brass* (adj) — фақир, қашшоқ; в) насл — насабини билдирувчи: *pleb* (n) — паст табақа вакили; г) миллатини кўрсатувчи: *Af* (n) — африкалик; *Brit* (n) — британиялик; *Jap* (n) — япон; д) инсон томонидан бажариладиган иш-ҳаракатни ифодаловчи: *to veg* (v) — вақтини беҳуда сарфламоқ; *to vom* (v) — кўнгли айнимоқ; *to sab* (v) — тўсқинлик қилмоқ; *to scam* (v) — тез кетмоқ, ғойиб бўлмоқ; *to blub* (v) — йиғламоқ; е) касбини билдирувчи: *cereb* (n) — тиришқоқ талаба; *cop* (n) — полиция офицери; *vet* (n) — ветеран (уруш қатнашчиси); *perp* (n) — жиноятчи; *vag* (n) — дайди, саёқ, тиланчи; *skip 1* (n) — бошлик; е) бирор гуруҳ ёки жиноятга алоқадорлигини билдирувчи: *home* (n) — ўз ҳудудини ҳимоя қилишга етарлича тайёр бўлган жиний гуруҳ аъзоси; *juve* (n) — ёш тартиббузар, конунбузар; *trot* (n) — Троцкийчи.

2. Топоним компонентли апокопалар: *Brum* (n) — Бирмингем шаҳри; *condo* (n) — хусусий турар жой мажмуаси; *deli* (n) — юқори сифатли пишлоқ, салат ва пишган сотилувчи дўкон; *skip 2* (n) — бошпана, турар жой.

3. Соматизм компонентли апокопалар: *bod* (n) — тана; *mitt/mit* (n) — кўл.

4. Умумий тасвир воситаси сифатида ишлатиладиган апокопалар: *brill* (adj) — ажойиб, жуда ҳам зўр; *cas 1, 2* (adj) — тинч, хотиржам, яхши, маъкул; *crack* (n) — биринчи даражали, олий даражали; *def* (adj) — ажойиб, жуда яхши; *fab* (adj) — ажойиб, зўр; *max* (adv) — кўпи билан; *piff* (n) — сафсата, бекорчи гап; *rad* (adj) — ажойиб, жуда ҳам яхши; *bullsh* (n) — сафсата, бемаънилик.

5. Инсон саломатлигига зарар келтирувчи воситалар: а) гиёҳванд модда номлари: *amp 1* (n) — ампула, таблетка (гиёҳванд модда); *cap* (n) — капсула (гиёҳванд модда); *dex* (n) — декседрин таблеткаси ёки ампуласи; *hash* (n) — гашиш; *reef* (n) — ичига марихуана солинган сигарет донаси; *tab* (n) — таблетка (гиёҳванд модда); *morph* (n) — морфин; *barb* (n) — кучли ухлатадиган дори; б) тамаки маҳсулоти номи: *cig* (n) — сигарет.

6. Моторли транспорт воситалари номлари: *chara'* (n) — саёҳат автобуси; *limo* (n) — лимузин машинаси; *loco* (n) — локоматив.

7. Тиббиёт атамаси номи: *op* (n) — (жарроҳлик) операция.

8. Мослама номи: *amp 2* (n) — овоз кучайтиргич.

9. Мурожаат воситаси сифатида ишлатилувчи апокопалар: *bro'* (n) — ака, ука.

10. Ижтимоий-сиёсий фаолият тури: *carni* (n) — карнавал; *vac* (n) — таътил; *demo* (n) — сиёсий намойиш.

11. Овқат номи: *spag* (n) — спагетти.

12. Пул бирлиги: *sov* (n) — бир фунт.

Аферезисларни ҳам структурал-семантик жиҳатларига кўра куйидагича таснифлашга қарор қилдик:

I. Структурал жиҳатиға кўра:

1. Апостроф (') ли афerezислар: 'abdabs (n British) — қаттиқ ҳаяжон, асабилашиш. У "(screaming) habdabs" сўзидан олинган; 'ampsteads (n British) — тишлар. Бу қисқартма Лондон шевасига ҳос бўлиб, у "Hampstead" сўзидан олинган; 'andsome (adj British) — ҳа, яхши, зўр! У "handsome" сўзидан олинган бўлиб, одатда одам ёлғиз қолганда хитоб оҳангида ишлатилади ва у ҳам Лондон шевасига ҳос сленг ҳисобланади; 'erb (n) — марихуана, гашиш. У лотинча "herb" сўзидан олинган. 'erbert (n British) — аҳмоқ одам ёки ирkit бола. У "Herbert (номаълум одам ёки болани ифодалаш учун ишлатилади)" исмидан олинган ва бир неча йиллардан бери Лондон ўрта табақа вакиллари томонидан ишлатиб келинади; 'Nam (n American) — Вьетнам. У Vietnam сўзининг қисқартма шакли ҳисобланади; 'roo (n) — кенгуру. У kangaroo сўзининг қисқартма шакли ҳисобланади; 'vette (n British) — Шевролет Корвет машинаси. У (Chevrolet) Corvette (АҚШда ишлаб чиқариладиган спорт машинаси) сўзидан олинган (Т. Thorne).

2. Апостроф (') сиз афerezислар: base (n) — кокаин чекиш. У freebase сўзидан олинган бўлиб, унда дастлаб кокаин бошқа кристаллардан ажратиб, тозалаб олинади ва кейин қоғозга ўраб чекилади. Бу сленг 1989 йилда Британиялик гиёҳванд чекувчилари орасида кенг фойдаланилган; coon (n) — қора танли одам. У raccoon (қора юзли қишлоқи зараркунанда) сўзидан олинган бўлиб, АҚШнинг жанубий штатлари ва Британиядаги полиция ва бошқа оқ танли ўрта табақа вакиллари томонидан ирқчилик маъносида ишлатилади; droid (n American) — аҳмоқ, сустан одам. У android сўзидан олинган бўлиб, асосан ўсмирлар ва талабалар нутқида кенг фойдаланилади. Бу қисқартма сўз 1970 йилларнинг ўрталаридан бошлаб илмий фантастик жанридаги филмлар ва асарларда фойдаланиб келинади; groid (n) — қора танли одам. У negroid сленгидан олинган бўлиб, 1980 йиллар охирида Лондон полицияси томонидан кенг фойдаланилган ирқчилик мазмунидаги сленг ҳисобланади; kraut (n) — немис. У немисларнинг машҳур sauerkraut (тузланган қарам) овқати номидан қисқартирилган; lobe (n British) — зерикарли, доим қонун-қоидаларга амал қилувчи одам. У earlobe сўзидан олинган бўлиб, мактаб ўқувчилари томонидан зерикарли ва одамови тенгдошларига нисбатан ишлатилади (Т. Dalzell).

II. Семантик жиҳатиға кўра:

1. Инсонни тасвирловчи афerezислар: а) хулқ-атвор, юриш-туришни ифодаловчи: droid (n) — аҳмоқ, сустан одам; 'erbert (n) — аҳмоқ одам ёки ирkit бола; lobe (n) — зерикарли, доим тартиб-қоидаларга бўйсунувчи одам; nana (n) — жуда ҳам аҳмоқ одам; б) миллатини билдирувчи: kraut (n) — немис; в) ирқини ифодаловчи: coon (n) — қора танли одам; groid (n) — қора танли одам; г) тана аъзосини ифодаловчи: 'ampsteads (n) — тишлар; tache (n) — мўйлов.

2. Умумий тасвир воситаси сифатида ишлатилувчи афerezислар: 'abdabs(n) — қаттиқ ҳаяжон, асабийлашиш; 'andsome (adj) — ҳа, яхши, зўр.

3. Гиёҳвандликка оид афerezислар: base (n) — кокаин чекиш; 'erb (n) — марихуана, гашиш.

4. Овқат номи билдирувчи: za (n) — пицца.

5. Ичимлик номи: roo (n) — шампан виноси.

9. Зооним компонентли афerezислар: 'roo (n) — кенгуру.

10. Машина русуми: 'vette (n) — Шевролет Корвет машинаси.

11. Давлат номи: 'Nam (n) — Вьетнам.

Синкопаларни эса структурал-семантик жиҳатларига кўра куйидагича таснифлашга қарор қилдик:

I. Структурал жиҳатига кўра:

1. Апостроф (') ли синкопалар: *pee'd* (adj British) — маст, ичиб олган. У *pissed* (маст) сленгининг юмшоқрок шакли (R. Spears).

2. Апостроф (') сиз синкопалар: *bins* (n British) — кўзойнак. У *binoculars* сўзидан олинган бўлиб, ундан 1930 йиллардан то ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда; *exes* (n British) — харажат. У *expenses* сўзининг қисқартма шакли бўлиб, бизнес вакиллари томонидан ишлатилади; *tranqs* (n) — тинчлантирувчи дорилар. У *tranquillizers* сўзидан олинган бўлиб, асосан ушбу турдаги дориларни қабул қилувчилар томонидан ишлатилади (T. Dalzell, T. Victor).

II. Семантик жиҳатига кўра:

1. Мослама номи: *bins* (n) — кўзойнак.

2. Иқтисодий атама номи: *exes* (n) — харажат.

3. Ичкиликка оид синкопалар: *pee'd* (adj) — маст, ичиб олган.

4. Дори номи: *tranqs* (n) — тинчлантирувчи дорилар.

Сўзнинг боши ва охиридан сўз қисқартириш (mixed clipping) орқали ясаладиган қисқартма сўзлар структурал жиҳатдан фақат бир хил шаклда бўлади:

1. Содда: *boo* (n American) — марихуана. Бу сўз африканча *jabooby* сўзидан олинган бўлиб, 1970 йиллар охирида хиппи(hippie)лар томонидан ишлатилган; *gin* (n Australia) — абориген аёл. У лотин тилидаги *aborigine* сўзидан олинган бир аср аввал ўйлаб топилган сленгдир (T.Thorne).

Семантик хусусиятига кўра уларни куйидаги турларга ажратдик:

1. Гиёҳванд модда номи: *boo* (n) — марихуана.

2. Инсоннинг этник келиб чиқишини ифодаловчи: *gin* (n) — абориген аёл.

Хулоса. Тадқиқотимизнинг асосий объекти бўлган сленг бирликлари таркибида учрайдиган клиппинг усули орқали ясаладиган қисқартма сўзларни структурал-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида куйидаги хулосаларга келдик:

1. Клиппинг усули доирасида жами 86 та сленг бирлиги таҳлил қилиниб, улардан энг кўпи апокопалар (62 та, 72.1%), кийин эса аферезислар (18 та 20.9%), синкопалар (4 та, 4.7%) ва энг кам учраган олд ва орқа қисқартириш орқали ясалган қисқартма сўзлар (2 та, 2.3%) эканлиги аниқланди. Буни куйидаги жадвал орқали изоҳлаймиз:

Клиппинг тури	Қисқартма сўз	Жами: 86та (100%)
Апокопалар	Boho, boob, Clyde, dipso, div, fruit, hyper, klepto, mong, perve/perv, trog,brass, pleb, Af, Brit, Jap, to vom, to sab, to scam, to blub, cereb, cop, vet,perp, vag, skip, home, juve, trot, Brum, deli, condo, bod, mitt/mit, brill,cas,crack, def, fab, max, piff, rad, bullsh, amp, cap, dex, hash, reef, tab,morph, barb, cig, chara', limo, loco, op, bro', carni, vac, demo, sov, spag.	62 та 72.1 %
Аферезислар	'erbert, droid, lobe, nana, kraut, coon,groid, 'ampsteads, tache, 'abdabs,'andsome, base, 'erb, za, poo, 'roo, 'vette, 'Nam	18 та 20.9%
Синкопалар	pee'd, tranqs, exes, bins	4 та 4.7%
Олд ва орқа қисқартириш	boo, gin	2 та 2.3%

Бу жадвалдан кўриниб турибдики, апокопалар сленг бирликлари орасида клиппинг тури орқали энг кўп ясаладиган қисқартмалардир.

2. Семантик жихатига кўра эса, сленгда клиппинг тури орқали ясаладиган қисқартма сўзлар асосан инсонни тасвирлаш учун ишлатилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. — М: 1969. — 607 с.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. — М: 1966. — 605 с.
3. Словарь иностранных слов. 18-е изд., стер. — Москва: Русский язык, 1989. — 620 с.
4. Dalzell T. The Routledge Dictionary of Modern American slang and Unconventional English. — NY: 2008. — 1104 p.
5. Dalzell T. and Victor T. The Concise New Partridge Dictionary of Slang and Unconventional English. — NY: 2007. — 740 p.
6. Rayevska N.M. English Lexicology (Fourth edition). — Kiev: 1979. — 302 p.
7. Spears R. NTC's dictionary of American slang and Colloquial Expressions. — The USA., 2000. — 560 p.
8. Thorne T. Dictionary of Modern Slang. — М: 1996. — 583 p.

References

1. Ahmanova O. S. *Slovar' lingvisticheskikh terminov* (Dictionary of linguistic terms), Moscow, 1969, 607 p.
2. Ahmanova O.S. *Slovar' lingvistichesk* (Dictionary of linguistic terms), Moscow, 1966, 605 p.
3. *Slovar' inostrannyh slov* Dictionary of foreign words, Vol. 18, Moscow: Russian language, 1989, 620 p.
4. Dalzell T., *The Routledge Dictionary of Modern American slang and Unconventional English*, New York, 2008, 1104 p.
5. Dalzell T. and Victor T., *The Concise New Partridge Dictionary of Slang and Unconventional English*, New York, 2007, 740 p.
6. Rayevska N. M., *English Lexicology* (Fourth edition), Kiev, 1979, 302 p.
7. Spears R., *NTC's dictionary of American slang and Colloquial Expressions*, The USA., 2000, 560 p.
8. Thorne T., *Dictionary of Modern Slang*, Moscow, 1996, 583 p.